

У.Ю. Идиловнинг “�збекистон овози” газетасининг 10.11.2009 сониди чоп
этилган маъқоласи

Сиёсий фанлар доктори Улуғбек Идилов

Сиёсий партия – демократик сайловларнинг таянчи

Мамлакатимизда 2009 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар жамиятимизни демократлаштириш, замонавийлаштириш, янада чуқурлаштириш жараёнлари натижасида эришилган муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ва маънавий ютуқлар асосида бўлиб ўтиши кутилмоқда. Зероки юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олиб борилаётган изчил демократик сиёсат туфайли замонавий тараққиётнинг энг илғор ва самарали йўллари амалга ошириш учун зарур имкониятлар кўлами мислсиз равишда кенгайиб бормоқда. Бу ўринда авваламбор демократия институтларининг мамлакатимиз миқёсида тобора мустаҳкамланиб ва айна пайтда такомиллашиб бораётганлиги ҳолатини алоҳида эътироф қилиш лозим бўлади. Жумладан, Республикимиз сайлов тизими ҳамда унинг ҳуқуқий асослари умргузаронлик қилаётган давримизнинг энг талабчан демократик мезонларига ҳам жавоб бера оладиган даражада янгиланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда самарали, демократик сайлов тизимининг янада такомиллашувида муҳим босқич бўлди. Унинг асосида Конституциямизга шунингдек республикаимизда амалда бўлган ўн учта қонунга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг тадбиқ қилиниши натижасида демократиянинг хал қилувчи устунлари бўлган сиёсий партия, вакиллик демократияси каби институтларнинг ҳуқуқий мақомлари ва давлат бошқарувини амалга

ошириш, янада либераллаштириш жараёнларидаги роли ва имкониятлари оширилди.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларнинг етакчи моҳияти ва аҳамияти шундаки бундай ўзгаришларнинг самараси ўлароқ мамлакатимизда демократия институтлари муттасил равишда замонавийлашиб бормоқда. Хусусан, демократик тараққиётнинг ҳал қилувчи таянчи ҳисобланган сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини амалга оширишда, халқ вакиллигини таъминловчи етакчи куч сифатидаги мақоми ва имкониятларини оширилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Зероки, сиёсий партиялар ва сайлов тизими ҳар қандай мамлакат ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини ниҳоятда юқори даражадаги аниқликда белгилаб берувчи етакчи сиёсий институтлардир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда жамиятда демократия қадриятларини ривожланиши ҳамда демократлашув жараёнлари ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаши сиёсий партияларнинг ҳолати, демократик жараёнларга нисбатан муносабати ва лаёқатлилиқ даражасига боғлиқдир. Замонавий демократиялашув ҳодисаси бугунги кунда вакиллик демократияси имкониятларини янада кенгайтирилиши ва шу орқали давр талаблари ва синовларига жавоб берадиган поғоналарига олиб чиқилишини тақазо қилмоқда. Бу вазифани ҳал қилиниши эса бевосита демократик руҳдаги сиёсий партиялар фаолиятини ривожлантирилиши, самарали фаолият юргиза оладиган кўппартиявийлик тизимини ҳар томонлама қарор топиши билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов шундай хулоса қилган эди: “Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак.

Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва

карашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак”¹.

Сиёсий партиялар ўз моҳияти, вазифаларига кўра сиёсатнинг бевосита ва етакчи субъектларидан бири ҳисобланади. Айнан сиёсий партиялар жамият сиёсий ҳаёти уюшқоқлигини кучайтирувчи, ижтимоий қатламлар фаоллигини оширувчи, улар ўртасидаги муносабатларнинг демократик моҳиятини шакллантирувчи, ҳал қилувчи омил ролини ўйнай олади. Жамият ҳаётини демократик янгиланиши учун сув билан ҳаводек зарур бўлган демократик сиёсий маданиятнинг шакллантирилишида, инсон ва сиёсат ўртасидаги муносабатларнинг рационаллашувида ҳам сиёсий партияларнинг роли бекиёс каттадир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар тизимида янги типдаги сиёсий партияларни шаклланиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ва 2008 йилнинг январь ойидан бошлаб кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни миллий давлатчилигимизнинг демократик негизларини мустаҳкамланишида ва мамлакатимизда фаолият юргизаётган сиёсий партияларнинг демократик янгиланишлардаги роли ва аҳамиятини юқори поғонага кўтарилишида муҳим босқич бўлди. Мазкур қонун сиёсий партияларимизнинг жамиятимиз сиёсий тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг демократиянинг етакчи институти, халқ вакиллигининг воситаси, демократик сайловларни амалга оширишнинг фаол субъектлари сифатидаги ўрнини янги асосларда мустаҳкамлади. Шунингдек ушбу қонуннинг заминида сиёсий партияларнинг

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон” 2005й. - 12 бет.

замонавийлашуви, уларнинг дастурларида белгиланган сиёсий мўлжалларнинг жамиятимиз тараққиёти манфаатларидан келиб чиқилиб қайта қурилиши учун ниҳоятда кенг қамровли имкониятлар очилди. Бундай ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз сиёсий партиялари ҳаракат дастурларида мужассам бўлган сиёсий кадриятлар ва ғояларнинг либераллашуви учун муҳим манбаа бўлиб хизмат қила бошлади.

Хусусан мазкур қонун моддаларида белгиланган сиёсий партиялар фракциялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш, уларнинг фаолияти устидан партия гуруҳлари назоратини амалга оширишга доир нормалар сиёсий партиялар фаолиятини либераллашуви учун ҳал қилувчи ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Мамлакатимиз сиёсий – ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш принципларига таянилган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Республикамиз қонунига киритилган Конституциявий ўзгартиришлар мамлакатимиз сиёсий партиялари мавқеини ошириш жараёнларининг бевосита институционаллашувини таъминлаб берди. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунга асосан Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутаты ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадилар. Қонунчилик палатасининг ўн беш депутаты Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади (1-модда), депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар (20-модда).

Демак, мамлакатимизда ушбу йилда бўлиб ўтадиган сайловлар ниҳоятда янгиланган ва замонавийлаштирилган демократик механизмлар асосида шунингдек демократия кадриятлари жамиятимиз миқёсида янада чуқурроқ институционалланган шарт-шароитларда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов

комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция”нинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ўтказиладиган сайловларнинг ташкилий асосларини кафолатли даражада мустаҳкамлади ҳамда самарли демократик сайлов тизимини реал амалга оширилиши учун назарий манбаа ролини ўтай бошлади.

Мазкур ҳужжатда бўлажак сайловларнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилиши алоҳида қайд қилинган бўлиб унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий принциплар ва вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, концепцияда : “Сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя этилишини таъминлаш. Энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик нормаларига қатъий ва оғишмай амал қилиш зарурлиги” тўғрисидаги тамойилларга алоҳида муҳим ўринлар ажратилган².

Демак, мамлакатимиз демократиянинг энг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, ҳуқуқий ҳамда концептуал асослари пухта бўлган ва ўз моҳиятига кўра юртимизнинг кучли фуқоролик жамияти томон қилаётган тараққиётида хал қилувчи босқич бўлиб хизмат қилувчи сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида яшамоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция. Т. : “Ўзбекистон” – 2009, 20 бет

